



РАУФ РАҲИМ

**БАХМАЛИМ – БОҒИМ
МЕНИНГ**

Тошкент – 2009

Рауф РАҲИМ

БАХМАЛИМ – БОҒИМ МЕНИНГ

(Лирик лавҳалар, мақолалар, очерклар, ривоятлар)

ТОШКЕНТ – 2009

Рауф Раҳим. Бахмалим — боғим менинг. — Т.: «Fan va texnologiya», 2009 128 бет.

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Тошболта ЖЎРАЕВнинг умумий таҳрири остида

Тақризчи:
филология фанлари номзоди
Сайди УМИРОВ

Масъул муҳаррир: Абдуазиз НОРҚУЛОВ

ISBN 978–9943–10–263–7

©«Fan va texnologiya» нашриёти, 2009

Уйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшилиамиз – барчамизнинг илдизимиз, томиримиз, авалламбор, қишлоқ заминига бориб тақалади. Она-Ватан деган уму ва муқаддас тушунча одамзод учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади. Қишлоқ тараққиёт топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

И.А.Каримов

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Қўлингиздаги китобда Жиззах вилоятидаги Бахмал туманининг бугунги ҳаёти, қишлоқда амалга оширилаётган ислохотлар адабий-публицистик услубда баён қилинган. Бахмалда саҳобаи киромлар, алломалар, шунингдек, Бобораҳим Мишраб, Амир Темур, Заҳриддин Бобур каби машҳур тарихий шахслар номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар бор. Қўнлаб хорижий меҳмонлар, сайёҳлар, санъаткорлар Ўзбекистоннинг Швейцарияси деб аталган Бахмалда сайр қилганлар, шоир ва ижодкорлар яратувчанлик билан шуғулланаётган боғбонлар ва чўпонлар меҳнатидан, қишлоқ табиатининг гўзал манзараларидан илҳомланиб, шарлар, шеърлар битганлар. Ушбу китоб ҳам Бахмалга ошиқ ижодкорнинг қалб маҳсулидир. Унинг мақсади истиқлол туфайли ришиллаётган фаровонликни кўйлаш, юртимизнинг гўзал гўшаларидан бири билан сизни таништириш, йўлдорлашувга, тижорат, саёҳат ва зиёратга чорлаш...

Бахмал тумани Туркистон тизма тоғлари этагида жойлашган. Гўзал қишлоқлар, буёқлар, ғармқлар, соя-жилғалар Санзордарё бўйларида қад ростлаган. Ҳар бир қишлоқ ўз табиий манзараси, дов-дарахтлари, мевали боғ-роғлари, со-ю жилғалари билан ажралиб туради. Бугунги кунда у “қишлоқ” деб аталган ҳавоСИ шифо манзилгоҳ шифатида сеvimли ва кўркамдир. Бу қишлоқлар бунёдкор таббиркорлар меҳнати билан тобора чирой очмоқда.

Туман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида юксалиш рўи бермоқда. Ҳар йили шартномавий режалар ортиғи билан бажарилади. Масалан, 2009 йил – қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида галла етиштириш режаси 130 фойизга етказилди. Хирмонларимиз сара донга, лонадонларимиз хушбўй ҳидли нонга тўлди. Табиий яйловларимизнинг кенлиги, мичанзорларимизнинг бўлиқлиги боис чорванинг барча соҳаси ривож топган. Экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари мўл. Бахмал олмасининг довруғи оламга ёйилган. Қишлоқ аҳли тўғ ва фаровондир. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан шаҳар аҳлини таъминламоқдамиз.

Китоб учун қалам тебратган адиб – Абдурауф Раҳимқулов асли бахмаллик. У ўзи туғилган дилбар юртни севади, уни ижодкорона иброк этади. Шунинг учун ҳам бошқалар илғай олмаган жиҳатларини кўра билган. Бахмал манзараларини унинг аслигидан ҳам чиройлироқ, қишлоқ кишиларини эса янада комиароқ кўриши истаги унинг лирик лавҳаларида бадий ва ҳаққоний образлар носитасида кўрсатиб берилган. Уйлаймизки, муаллиф Бахмал бунёдкорларини, таббиркорларини, ижод ва илм аҳлларини, боғ-у роғларини мадҳ этиши билан Сизни бу сирли ўлка сари етаклай олади.

Акmal АБДУЛЛАЕВ,
туман ҳокими.

ПУБЛИЦИСТИК БАХМАЛНОМА

Абдурауф Раҳимқуловни билганимга 40 йилдан ошди. Жиззах вилояти Бахмал туманидан келиб, ТошДУ журналистика факультетига ўқишга кирганида қорамағиздан келган, жуссаси чоғроқ, ҳаракатлари тетик, кўзлари чақноқ бу йигит ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, курсдошлари ичида меҳнатга чанқоқлиги, ҳаётий тажриба орттирганлиги билан ажралиб турарди. Энг муҳими қўли кетмон билан бирга қаламга ҳам дурустгина келишиб қолганди – ижодий конкурсга тақдим этган бир тўп машқлари бунинг далолати эди.

Шоир, ёзувчи бўламан, адиб, арбоб бўламан дея аҳд қилган, қаттиқ киришган, талаба, дўстларининг кўпчилиги орзусига эришди. Абдурауф эса публицистикани танлади, у: «Мен оддий мухбир бўлиб, туғилиб ўсган Бахмалим – ўзимизнинг гўзал Швейцариямизнинг гўзал табиати, ажойиб одамлари, Мирзачўлни гулистонга айлантираётган фидойи инсонлар ҳақида мақола, лавҳа, очерклар ёзсам, уларни эл-юртга таништирсам, Константин Симоновдай таниқли рус адиби атайлаб Мирзачўлга келиб, бир китоб ёзганида, шу юртнинг биздек фарзандлари қўл қовуштириб ўтирсак айб бўлар», дерди.

Абдурауф Раҳимқулов узоқ йиллар чўлқуварлар орасида яшаб, ижод қилди, туман газетаси бош муҳаррири, марказий газеталаримизнинг вилоят бўйича ўз мухбири вазифаларида ишлади. «Парвоз», «Чўлқуварлар достони» китоблари, публицистик мақола, очерклари, ўзлаштирилаётган ҳудудни узунасига ва кўндалангига кезиб чиққани, кўп одамлар билан учрашгани, кўп нарсалар кўрагани унинг далилларидир.

Инсоннинг йиллар ўтган сари туғилиб ўсган манзилига меҳри оша боради. Айниқса, тақдир тақозоси билан бошқа жойларда яшаб, ишласа қадрдон қишлоғини, жигарбандлари, ёр-биродарлари, таниш одамларни кўп эслайди. А.Раҳимқулов олдин Мирзачўлда, кейинги йилларда Тошкентда яшаб, ишлар экан (у ҳозир «Гулистон» журналида бўлим мудури), қадрдон Бахмалини кўп кўмсайди. Тўй-маъракаларга, турли тадбирларга тез-тез бориб туради. Бир неча йил бурун кўнглига тўккан нияти – бир китоб ёзиш орзуси ижодкорни тобора беговта қила бошлайди. «Бахмалим – боғим менинг» китоби шу тариқа юзга келди.

Дарҳақиқат, Искандар Зулқарнайини мафтун этган, буюк бобоқолонларимиз Амир Темур, Мирзо Бобурларнинг қадами теккан, ҳазрат Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»ида бахмаллик аллома қаламга олинган, Раҳимдара деган гўшаси Бобораҳим Маширабга нисбат бериб қўйилган. Бетимсол гўзаллиги Чўлпон, Қодирийлар-у, не-не ижодкорларни илҳомлантирган, сарбаланд тоғлари, гўзал боғлари, мусоффо булоқлари,

шифобахи гиёҳлари, мазали қимизлари, оромгоҳу зиёратгоҳлари, заҳматкаш, танти одамлари, истеводли адиб, олим, арбоблари, донгдор чавандозлари, турфа ажойиботлари билан маълум ва машҳур жаннатмакон Бахмал – ушбу масканда таваллуд топган Абдурауф Раҳимқулов - Рауф Раҳим (тахаллуси)ни ўзига шайдо қилиши, ёзишга даъват этиши табиий ва мантиқийдир.

Камина 20 йил муқаддам бир марта Новқани зиёрат қилиб, Ўсманни айланиб чиққач, бу гўшанинг беқиёс гўзаллигидан лол қолганман. Рауф Раҳимнинг «Бахмалим – боғим менинг» китобини ўқиб, юртимизнинг Швейцарияси дея қиёс қилинган ушбу туман ҳақида кўпроқ ва кенгроқ маълумот олдим. Муаллиф билан бирга гўша бўйлаб саёҳат қилгандек, тоза ҳавоси, суви, қимизи, меваларидан баҳраманд бўлгандек, боғбонлари, чорвадорлари, чавандозлари, ижодкорлари билан суҳбат қургандек бўлдим.

Катта Ватан ҳар бир кишига кичик Ватан – қишлоғи, маҳалласидан бошланади. Публицистимиз жўшиб кетиб, китобни «Қишлоғим» деган ҳаяжонли шеър билан бошлаганининг боиси шундан:

Борлиғим ишқинг билан лим...о-лим тўлган,

Сенга бахшидадир бу жоним, бу тан.

Буюк салафларнинг дояси бўлган,

Шу мўъжаз заминдан бошланур Ватан.

Меҳри, ихлоси Бахмал сойларидек тўлиқиб оққан қаламкаш энди насрга ўтади: «Қишлоғим!... Кетсам онамдек «Оқ йўл» тилаб қоладиган, келсам бағрини очиб, кутиб оладиган қутлуғ масканим. Бебошлиқларим малол келмаган, қусурларимни яшириб, ютуғумни ошириб мақтаган гўшам. Ҳарбий хизматга, ўқишга, чет элларга кетар чоғим қирга чиқиб хайрлашганман. Қайтиб келгач, соғинч тўла қалб ҳарорати билан мени бағрига босган мўъжаз Ватаним!

Бундай эътирофли ўринлар билан бирга, тузатилиши лозим бўлган сатрлар кўзга ташланади. Дастлабки боблари кўпроқ журналист услубига ҳос, образли тафаккур камроқ, мантиқий тушунчалар, рақамлар, саналар, исм-фамилиялар маъридан ортиқ келтирилган, айрим жумлаларнинг соддалиги, ёки баландпарвозлиги таассуротни сусайтиради. Асарда Бахмал аҳлини безовта қилаётган жиддий муаммолар ёзилса дуруст булур эди. Ушбу жузвий камчиликларга қарамасдан, муаллиф публицистиканинг турли жанрларидан фойдаланиб, мақсадга эриша олган, катта меҳнат ва савобли иш қилган.

Сайди Умиров,
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи.

Жаннатмакон заминимизда ўтган саҳобаи-киромлар, буюк алломалар, пиру-устозлар ва ота-оналаримиз руҳониятларига бағишлайман.

Муаллиф

ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғим —

Сени жаннатларга қиламан қиёс,
Ҳар кўчангда нур, сеҳр ва маъно.
Меҳринг кучли, тафтинг бамисли қуёш
Яратганга бўлсин беадад сано!

Боқсам —

Тонгни оттирар хўрозлар қичқариб,
Кўй-кўзи маърашиб ўрлайди қирга,
Одамлар оёғи тинар кеч кириб,
Қушлар гуруллашиб қўнар зигирга.

Кезсам —

Нил-у, Амазонка, Ўрта Ер денгизини,
Алмаштиргим йўқ биргина Қорабулоққа.
Ҳатто, баланд Останкино, Эйфелнинг бўйи
Етмас экан тоғли Бахмал қишлоққа.

Қайтсам —

Сафарларим қариб, тугаса ҳижрат,
Сени қўмсаб, келсам бир кун йироқдан.
Сахий бағрингдан бир манзил ажрат,
Киндик қоним тўкилган она тупроқдан.

Бахмалим —

Борлиғим ишқинг билан лимо-лим тўлган,
Сенга бахшидадир бу жоним, бу тан.
Буюк салафларнинг дояси бўлган
Шу мўъжаз заминдан бошланур Ватан.

I. ЖАННАТМОНАД ДИЁР

(Лирик лавҳалар)

ОНА ЮРТИМ ГУЛФУНЧАСИ

*Сано лихлоқи габрову афлок,
Яратти қатрайидин гавҳари пок.*

Ҳар сафар Румий ҳазратларининг ушбу байтини эслаганимда, жисму жоним курраи заминнинг энг гўзал гўшасига – Бахмалда, унинг Оққўрғон деган кичкина қишлоғига боғлиқ эканидан, киндик қоним шу тупроққа томганидан ва мен учун Ватан деган тушунча шу митти қишлоқдан бошланганидан чексиз ифтихор туяман. Донишманд таъкидлаганидек, ернинг устидаги ва остидаги туганмас бойликлар – илоҳий хазинадан таррадир. Мавж урган дарёлар, денгизлар – Оламлар эгасининг чексиз уммонидан бир томчисига қиёс қилгулик. Бу томчининг тасвири (Фузулийнинг машҳур бир ғазалида шундай битилган:

*Эгамнинг ғазнаси кўндир, тила ганжи илоҳийдан,
Агар бир қатраси томса, тўкилган била оз ўлмас.*

Бахмал, Оққўрғон деган манзиллар ҳам пок гавҳардан яратилган ўн саккиз минг оламнинг бир қатрасидир, десак адашмасмиз.

Ана шу «ганжи илоҳий», доврўғи самоларга етган Бахмалда бўлганмисиз, унинг туя ўрқачли, кўкка бўй чўзган залворли тоғларида кезганмисиз, мусаффо ҳавоси, кумуш-чашма булоқлари, шифобахш қимизидан ичганмисиз? Қалби дарё меҳмондўст тоғликлар тўйларида “бешқарсақ”ка ўйинга тушганмисиз, кўбизига ҳамоҳанг жирларини гинглаганмисиз?

Яхшилик дунёга келганида бор-бисотини Бахмалда қолдириб кетибди, деган эди бу ерга келган машҳур кинорежиссёрлардан бири. Келинг, аввало, таърифи беназир, замини бебаҳо бу гўзал водийнинг бугунги жамолига бир назар ташлайлик, кейин гўзал қишлоқлар билан ганишамиз, қайноқ муҳаббатимиз ила қишлоқ кишилари билан суҳбат кураимиз.

Молгузар ва Нурота тоғ тизмаларини туташтирувчи Амир Темур дарвозасидан саҳоватли Сангзор дарёси оқиб ўтади. Бу дарё қорли Туркистон ва Молгузар тизмалари ўртасида жойлашган Бахмал водийсининг зар қоқиллари – биллур чашмалар, тезчопар ирмоқлардан ҳосил бўлган. Бу жўшқин дарё не-не жангоҳларнинг, ажойиб ривоятларнинг, фаровон ҳаёт барпо қилишдаги курашларнинг тилсиз шоҳидидир.

Катта Ўзбек трактидан чапга бурилиб, йигирма беш-ўттиз километрлар чамаси юргандан сўнг, сизни ажойиб тоғ манзаралари қуршаб олади. Ортда баланд чўққи – Молгузар эса сизни ўз кафтида Ойқор чўққиси сари элтади. Гоҳ пастда асов қулундек чопаётган Сангзор дарёсинг рақси, гоҳ рўбарўдаги юракни ҳаприқтирадиган тоғ-дараларнинг кенг манзараси, шунингдек, ўзининг зарбоб тўни билан ўранган мевали дарахтлар, яшил қир-адирлар гўзаллиги хаёлингизни ўзига жалб этади.

Қир-адирлар ён бағиридаги асфальт йўлдан ярим соатлар юрилгач, Сангзор дарёси кўпригига келасиз. Кўприкка етмасдан ўнг томондаги паннога “Бахмал қишлоғига хуш келибсиз!” деб ёзиб қўйилган. Бахмал қишлоқларига юраётган ҳар бир меҳмон бу ердаги булоқ қаршисида уловини тўхтатади. Бироз тин олиб беихтиёр атрофдаги манзараларни томоша қилади: гоҳ ёйилиб, гоҳ сиқилиб, шиддат билан Сангзор дарёси оқмоқда, олди-ортида боғ-роғ, ундан сўнг баланд қирлар, икки ёнда Молгузар билан Ойқор чўққилари салобат ташлаб турибди. Мусаффо тоғ ҳавосидан нафас олиш кишига ҳузур бахш этади. Қишда оппоқ қорга бурканган баланд тоғлар, баҳорда қийғос гуллаган боғлар ичра сайраган булбуллар, тинимсиз қўшиқ куйлаб, дарёга қуйилаётган жилғалар, адирлик бағридан қайнаб чиқаётган булоқлар сизни бир зум ўзига мафтун этади.

Ҳар йили минглаб меҳмонлар дам олиб, ҳорлиқ чиқариш учун Бахмал қишлоқларига, оромгоҳларига, хонадонларга келадилар. Улар меҳнат таътилларини ёки дам олиш кунларини тоғ ёнбағирларида, арчазорларда, табиатнинг кўркем кучоғида ўтказадилар. Сангзор ва тоғ булоқларининг мусаффо суви, Бахмал воҳасининг салқин ҳавоси, тоғ табиатининг кўркем манзаралари, йилқиларнинг қимизи ҳамда тоғ мевалари жуда кўп дардларга даво. Шунинг учун ҳам дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари бунёд этилган. Келажакда юрак-қон томирларини, асаб тизимини даволувчи оромгоҳлар, ижодкорлар уйлари қурилиши мўлжалланаяпти.

Бахмалликлар азалдан меҳмондўст, меҳр-муҳаббатга ташна халқ. Қишлоқ хонадонларида гурунглар қизгин кечади. Меҳмонлар

дастурхонига арчага димлаган тандир кабоб, қимиз ва булоқ сувидан қўйилади. Тансиқ таоми – ғилминди билан кулчатойдир. Тўнтарилса-да тўкилмайдиган қатиғи тортилганидан сўнг дуо қилиниб, қишлоқнинг манзарали ва зиёратгоҳ жойларига сафар уюштирилади.

Бахмал қишлоқларида энг олий нав қимиз тайёрланади. Чунки, денгиз сатҳидан минг – бир ярим минг метр баландликдаги текисликларда “бетага” деган сеҳрли ғиёҳ ўсади, у суви кам, танаси қаттиқ бўлиб, организмга фойдали бўлган минералларга бойдир. Ундан озиқланган биялардан табиий сифатли қимиз олинади. Бетага доривор ўсимлик бўлгани учун йилқи-биялар фақат ўша ўтга боқилади, унинг қимизи ҳақиқий шифо бўлади. Шунинг учун ҳам халқ орасида шундай мақол бор: “Бетага – бияга, янтоқ – туяга.”

“Бахмал” номининг келиб чиққанлиги ҳақида икки оғиз сўз: нурувқор тоғлар билан ўралган сўлим ва сулув табиатини, баҳор фасли турли хил ва турфа рангдаги майсаларнинг бахмал поёндозларини, яшил водийларини кўрган киши Бахмал номи унинг табиатидан олинган дейиши табиий. Бу асосли фикр. Кексаларнинг айтишига қараганда, турли хил ривоятлар ҳам мавжуд. Ана шу ривоятлардан бирига кўра серманзара сой бўйида ака-ука Ҳақназар ва Худойназар исмли кишилар яшаган экан. Ҳақназарнинг сочлари сумбулдек, қомати самбитдек сулув қизи бўлган экан. Соҳибжамолнинг гўзаллиги ҳақидаги хабар бутун Сангзор водийсига тарқалибди. Худойназарнинг алп келбатли ўғли амакисининг қизини севиб қолиб, совчи юборибди. Улар икки оға-ини ўртасидаги сойда — Қайнарбулоқ ёнида катта тўй қилишибди. Йигит томон ҳиммат қилиб, келиннинг келишига бахмалдан поёндоз солибди. Келин-куёвлар яшайдиган ёзги ўтовни ҳам бахмал билан безабдилар. Шу-шу, аввал, “Бахмалли уй”, сўнг, “Бахмалсой” аталиб, кейинчалик қишлоқ фуқаролари йиғини ва туман номларига айланган.

Уларнинг тўйида айtilган “ёр-ёр” ҳанузгача Бахмал ёшлари ўртасида куйланиб келинарган:

Сангзор дарё оқади рақси билан , ёр-ёр,

Ўтов ёшларга монанд нақши билан, ёр-ёр,

Куёв тўра телпаги тўқ қундузи, ёр-ёр

Бахмалли уй тўрида бахт юлдузи, ёр-ёр.

Бахмал заминидаги қадамжолар билан боғлиқ ривоятларни айтмайсизми?! Бу ерда одамлар Новқа ота зиёратгоҳи ҳақидаги “Фариштага айланган бокира”, Хожа Кўндаланг бобо ҳақидаги “Туя таъзим қилган авлиё”, Саъд ибн Абу Ваққос ҳақидаги “Авлиёнинг жимжилоғи”, Малгузор ота ҳақидаги “Маликанинг хайрли туши” каби



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3721> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3721> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3721>